

## ШАРТНОМА № Ш-28

Андижон ш.

25.01.2022-йил

Амалдаги Низом асосида фаолият юритувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб номланувчи **ООО «FARM FAMILY BIZNES»** МЧЖ номидан иш кўрувчи **Хамидов Х.Ш.** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш юритувчи кейинчалик “Харидор” деб номланувчи **Андижон вилоят куп тармоқли тиббиет маркази** номидан. Бюджет ташкилоти раҳбари А.М. Мажидов., иккинчи томонидан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Етказиб берувчи” мазкур шартнома бўйича “Харидор”га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларида шартноманинг умумий қийматидан ошмаган холда етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори нархи ва етказиб бериш келишилган холда амалга оширилади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 2890000 (Икки миллион саккиз юз тўқсон мин) сўмни ташкил этади.

2.2. “Харидор” олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатиладиган яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан “Етказиб берувчи” рақамига ўтказиб беради.

2.3. “Етказиб берувчи” тегишли даврида томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорида ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни “Харидор”га етказиб беради.

2.4. “Харидор” тақдим этилган ҳужжатларга асосан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларида олинган дори воситалари учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилади.

### III. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. “Харидор”нинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари “Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

“Етказиб берувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш. Етказиб берилган товарлар қийматини ҳаққонийлиги “Харидор” зиммасида бўлади.

3.1. “Етказиб берувчи” қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Етказиб берилган товарлар учун олдиндан ҳақ тўлалишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини Харидордан талаб қилиш.

Товарларни мазкур шартномага асосан “Харидор” буюртманомасига мувофиқ муддатлар сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. “Харидор” илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Харидорга” кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этилмайди.